

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI
QISQARTIRISH VAZIRLIGI

РАҚОБАТБАРДОШ САНОАТ УНУМДОРЛИГИ ИНДЕКСИ 2020

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг
саноатни ривожлантириш ташкилоти



Тошкент 2020



Индекс ҳақида

Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси (Competitive Industrial Performance Index, CIP индекси) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) томонидан 2003 йилдан бери ҳисоблаб чиқилади. Индекснинг нашр этилиш даври - **2 йил кечикиш** билан ҳар **2 йилда**. Ўзбекистон Республикаси ҳозирги кунда дунёдаги **152 мамлакатдан 92-ўринда** туради¹.

Индекс ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, **"Мамлакатларнинг рақобат даражасида ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш қобилияти"**ни акс эттиради, унинг динамикасининг узоқ муддатли ўсиш суръатларига таъсирини кўрсатади.

Методология

- Ҳар бир дунё иқтисодиётига 0 дан 1.000 гача индекс қиймати берилади, бу ерда 1.0 идеал ҳолатни англатади, биринчи учта мамлакат қуйидаги кўрсаткичларга эга: Германия - 0,471, Хитой - 0,372 ва Корея Республикаси - 0,349. Бу индекснинг барча саккиз кўрсаткичлари бўйича бирон бир мамлакат етакчилик қилмаслигини акс эттиради;
- Индекс **3 йўналиш** ва **8 индикатор**ни ўз ичига олади;
- Саноатни ривожлантириш учун мамлакатлар иқтисодиёти **5 квинтилга** ва уни **саноатлаштиришнинг 4 даражасига** бўлинади;
- CIP-2018 ҳисоботи саноат ишлаб чиқаришининг атроф-муҳитга таъсирини - **CO₂** чиқиндиларини акс эттирувчи янги индекс ўлчовини ўз ичига олади;
- Шунинг таъкидлаш керакки, индекс кўрсаткичлари **БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг** "Барқарор инфратузилмани яратиш, инклюзив ва барқарор саноатлаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш" **9-мақсади**га киритилган;
- Индекс кўрсаткичлари **100% статистик маълумотлардан** ташкил топган;
- Индекс самарадорлигига CO₂ чиқиндиларининг салбий кўрсаткичи тўғридан-тўғри таъсир қилади. CO₂ чиқиндилари кўп чиқарилган давлатлар **тузатилган CIP** кўрсаткичларидан анча паст ҳисобланади.




¹ <https://stat.unido.org/country/UZB.pdf>



Саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ва экспорт

- MVA_{pc} - қўшилган қиймат ишлаб чиқаришининг аҳоли жон бошига улуши
- MX_{pc} - ишлаб чиқариш экспортининг аҳоли жон бошига улуши



Технологик чуқурлаштириш ва модернизация

INDInt - саноатлаштириш интенсивлиги:

- MVA_{sh} - қўшилган қиймат ишлаб чиқаришининг умумий ЯИМ ҳажмидаги улуши
- $MHVA_{sh}$ - ўрта ва юқори технологияли қўшилган қиймат ишлаб чиқаришининг умумий қўшилган қиймат ишлаб чиқаришидаги улуши



Дунёга таъсири

- $ImWMA$ - мамлакат қўшилган қиймат ишлаб чиқаришининг жаҳон иқтисодиётидаги улуши
- $ImWMT$ - мамлакатнинг ишлаб чиқаришининг жаҳон савдосидаги улуши

MXQual – экспорт сифати:

- MX_{sh} - умумий экспорт ҳажмида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортнинг улуши
- MHX_{sh} - ўрта ва юқори технологияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортининг умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортидаги улуши

Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси ўртача геометрик сифатида ҳисобланади:

$$CIPindex = \sqrt[6]{MVA * MX * INDInt * MXQual * ImWMA * ImWMT}$$

Дунё рейтинг бўйича шарҳ

Дунё рейтингининг юқори ўнлигида 5 та Осиё ва 4 та Европа давлатлари ҳамда АҚШни кўриш мумкин. Сўнгги йилларда рейтингни Германия бошқариб келаётган бўлса, биринчи учталики Хитой ва Корея Республикаси эгалламоқда;

МДХ давлатлари: Россия - 32-ўрин, Беларусия - 47, Қозоғистон - 68, Украина - 69, Арманистон - 103, Молдова - 111, Озарбайжон - 120, Қирғизистон - 122 ва Тожикистон - 129.

Макао, Бурунди ҳамда Тонга рейтингни энг қуйи қисмини эгаллаган.

Ўзбекистон рақамларда

Саноатлаштириш мезонларига жавоб берадиган Осиё ва Тинч океани 50 мамлакатлари (Арманистон, Озарбайжон, Ироқ, Қирғизистон, Монголия, Покистон, Сурия, Тожикистон ва бошқалар) билан бир қаторда **31-ўринни**, дунё бўйича ўртача кўрсаткич **0.067** бўлганда **0.017** кўрсаткич билан Ўзбекистон Республикаси **152 давлат** орасида **92-ўринни** эгаллаб, биринчи марта CIP индекси ҳисоботига киритилди. **Марказий Осиё** мамлакатлари орасида Ўзбекистон Республикаси **2-ўринни** эгаллайди.


Юқори ўнлик		
1	Германия	
2	Хитой	
3	Корея Республикаси	
4	АҚШ	
5	Япония	
6	Ирландия	
7	Швейцария	
8	Тайвань	
9	Сингапур	
10	Нидерландия	



Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатларининг кўрсаткичлари²

№	Давлатлар	2018 (150 давлат)		2020 (152 давлат)		Рейтингдаги ўзгариш
		Индекс	Рейтинг	Индекс	Рейтинг	
1	Россия	0.1047	32	0.097	32	0
2	Беларусия	0.0657	47	0.063	47	0
3	Қозоғистон	0.0372	69	0.035	68	+1
4	Украина	0.0407	64	0.035	69	-5
5	Ўзбекистон	-	-	0.017	92	-
6	Арманистон	0.0128	99	0.012	103	-4
7	Молдова	0.0097	110	0.01	111	-1
8	Озарбайжон	0.0101	107	0.008	120	-13
9	Қирғизистон	0.0066	124	0.008	122	+2
10	Тожикистон	0.0035	133	0.005	129	+4

Ўзбекистон Республикаси саноатининг технологик тузилма динамикаси, тармоқлар %да³



² United Nations Industrial Development Organization, 2020. Competitive Industrial Performance Report 2020. Vienna, Austria

³ 2017-2019 йиллар давридаги статистик бюллетенга кўра тайёрланди.